Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обуначига 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 31 октябрь, шанба № 215 (21.313).

ЭРТАГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ БЎЛИБ ЎТГАНИГА БИР ЙИЛ ТЎЛАДИ

● ТОШКЕНТ. 1991 ЙИЛ 1 НОЯБРЬ. ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИДА.

Ислом КАРИМОВ:

БУГУН Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётга қадам қўймоқда. Бу партия халқ маъқуллаган барча яхши сифатларни ўзига мерос қилиб олади. У собиқ компартиянинг янгича кўриниши эмас, балки мазмуни ва фаолият усули жиҳатидан батамом янги сиёсий партиядир. Бу партия ўз фаолиятида халқнинг энг яхши демократик анъаналарига, халқнинг тарихий тажрибасига, адолат, эзгулик, тенглик ва инсон шахси эркинлиги каби умуминсоний қадриятлар ҳамда идеалларга, ахлоқийлик ва одамийлик қоидаларига суянади.

(ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИДАГИ МАЪРУЗАДАН).

ҚУРУЛТОЙДА:



* Ўзбекистон Халқ демократик партияси тузилганлиги эълон қилинди.
* Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастури ва Низоми тасдиқланди.
* Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон Халқ демократик партияси Раиси этиб сайланди.

ЎЗБЕКИСТОН Халқ демократик партиясининг сиёсати ва кундалик фаолиятининг олий мақсади — меҳнат аҳли ва ҳар бир оиланинг миллати, дини, эътиқоди, ижтимоий аҳволи ва келиб чиқишидан қатъий назар моддий ва маънавий баркамол ҳаёт кечириши учун тенг имконият яратиш, кишиларнинг конституцион ҳуқуқлари ва фуқаролик эркинликларини кафолатлаш, шон-шарафи ва қадр-қимматини, тинч ҳаёт кечиришини ишончли ҳимоя қилишдан иборатдир.

(ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ДАСТУРИДАН).

РЕСПУБЛИКАМИЗ мустақиллиги шундай бир нав-ниҳолдирки, унинг ўсиши ва яшнаши учун халқимизга тинчлик, осойишталик, фуқаролар тотувлиги, жамиятимизнинг жипслашуви каби бақувват ва теран илдизлар керакдир. Зотан, Ўзбекистоннинг келажаги эзгуликнинг мустаҳкам пойдеворига қурилиши керак. Партия ўтган бир йил ичида ўз фаолиятини худди шу ишга бағишлаганлигидан биз бениҳоя мамнунмиз. Ишонаманки, у келгусида ҳам бу йўлдан оғишмай бораверади.

(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ РАИСИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎзХДП АЪЗОЛАРИГА ТАБРИКНОМАСИДАН).

Анқара:

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

АНҚАРА, 30 октябрь. (ЎзА мухбири Фахриддин Низомов). 29 октябрь куни Туркия Республика деб эълон қилинган кунининг 69 йиллиги муносабати билан Отатурк номидаги Анқара отчопарида байрам тантаналари бўлиб ўтди. Байрам тантаналарида иштирок этаётган Ўзбекистон, Озарбайжон, Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлат раҳбарлари фахрли меҳмонлар минбаридан жой олишди. Бу ерда ҳарбий парад ва ёшларнинг тантанали юриши бўлди.

Тантаналардан сўнг Туркманистон ва Қозоғистон республикаларининг Туркиядаги элчихоналари очилиши маросими бўлди. Унда Туркия Республикасининг Президенти Турғут Ўзол, Бош вазир Сулаймон Демирэл, ташқи ишлар вазири Ҳикмат Четин ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Шу куни кечқурун Туркия Республикаси Президенти Турғут Ўзол Чанқоя саройида байрам муносабати билан зиёфат берди. Зиёфатда Ўзбекистон, Озарбайжон, Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлат раҳбарлари ҳамда чет эл дипломатия ваколатхоналари ходимлари иштирок этишди.

30 октябрь куни Анқарадаги Туркия Буюк миллат мажлиси қароргоҳида Туркия, Ўзбекистон, Озарбайжон, Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлат раҳбарларининг икки кунлик кенгаши иш бошлади. Туркия Президенти Турғут Ўзол анжуманни очар экан, Туркия ўз мустақиллигини қўлга киритган туркийзабон давлатларни биринчи бўлиб тан олгани ва қардош мамлакатлар ўртасидаги алоқалар ривожланиб бораётгани ҳақида гапирди.

— Туркия Республикасининг миллий байрамига туркийзабон мамлакатлар раҳбарларини таклиф этганимиздан хурсандмиз, — деди у.—Бизнинг тарихимиз ва маданиятимиз муштаракдир. Тарихий алоқаларнинг қайта тикланиши келажакдаги муносабатларни ривожлантиришга мустаҳкам замин яратди. Биз қардош давлатлар ўртасида барпо этилажак алоқалар Европа ҳамжамияти ёҳуд ислом конференциясига аъзо давлатлар ўртасида мавжуд бўлган алоқалар сингари мустаҳкам бўлишини истаймиз. Ҳозирги дунёдаги сиёсий, иқтисодий ҳамкорлик шароитида, ўйлайманки, туркий давлатларнинг қизғин ҳамкорлиги минтақадаги ва дунёдаги бошқа давлатларнинг манфаатига зид келмайди. Туркийлар доимо инсоният тарихида ўз мавқеига эга бўлиб келди. Биз ҳозиржавоб ва меҳнатсевар халқмиз, винобарин, камина XXI аср туркий халқлар асри бўлишига ишонаман.

31 октябрь куни туркийзабон мамлакатлар раҳбарларининг кенгаши давлатлараро иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга оид муҳим ҳужжатларни имзолаш билан якунланади.

КЎЗЛАРИМГА ТЎТИЁ ВАТАН

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ташаббуси билан иккинчи—олтинчи ноябрь кунлари Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллигига бағишлаб ёш ватандошларнинг Халқаро анжумани ўтказилади. Мухбиримизнинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари мазкур тадбирни тайёрлаш ва ўтказиш ташкилий қўмита раиси Муҳаммаджон **Қорабоев** билан суҳбати шу ҳақда.

— Турли йилларда кўплаб туркистонликлар чет элларга паноҳ истаб кетишга мажбур бўлдилар. Ўзга элларда муҳожир бўлиб яшасалар-да, она-Ватан, рўйи замин соғинчи уларни бир нафас ҳам тарк этмаган. Киндик қони тўкилган мўътабар юртга бўлган меҳр-муҳаббат, чексиз ҳурмат уларнинг фарзандлари дилларига ҳам армон билан жо бўлди. Минг бор шукрким, бугун дийдорлашув насиб этяпти...

— Дарҳақиқат, азиз шаҳримиз яна бир катта йиғин — Биродарлар тўйига тайёргарлик кўряпти. Бугун биз очиқ кўнгиллик билан умр бўйи Ватанни қўмсаб, унинг ҳоки пойини кўзларига тўтиё қилиб яшаган элатдошларимизнинг фарзандлари — ёш ватандошларни қўлимиз кўксимизда кутиб оламиз. Истиқлолга етганимиз, унга эришганимиз туфайли бугун қалби Ватан меҳри, Ватан туйғуси, Ватан соғинчига тўла биродарларимизга дарвозаларимизни очиб «Хуш келибсизлар!» дея оламиз.

— Анжуманга таклиф этилган ватандошларимизни топишга қандай эришилди?

— Яхшиямки дунёда меҳр-оқибатли, пок ниятли кишилар бор. «Эл» халқаро уюшмасининг раиси Абдурауф Мақсудий, ўлкамизда бир неча бор меҳмон бўлган, ҳозирда Америкада истиқомат қилаётган Рўзи Назар ва яна қатор хорижлик ватандошлар, Республика Халқаро маданий-маърифий миллий уюшма, чет элларда сафарда бўлиб қайтган республикамиз шоир, ёзувчилари бу хайрли ишга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Олиб борилган бу тадбирий ишларнинг натижаси ўлароқ жаҳоннинг Америка, Саудия Арабистони, Туркия, Хитой, Австралия, Германия каби ўн уч мамлакатидан 140 дан ортиқ йигит-қизлар, шу билан бирга Ҳамдўстлик давлатларидан ҳам вакиллар қатнашадилар.

— Муҳаммаджон Қорабоевич, мазкур анжуманни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳақида фикрларингизни билмоқчи эдик.

— Ёш ватандошлар халқаро анжуманини ўтказишдан асосий мақсад хорижлик биродарларимизни республиканинг мустақиллик йўлида олиб бораётган ишлари, ўзбек халқининг турмуши ва маданияти, ёшларнинг аҳволи билан таништиришдан, энг муҳими анжуман меҳмонларини республикада яшаётган ўз қариндош-уруғлари билан учраштиришдан иборат.

Анжуманни ўтказиш ташкилий қўмита йиғилишларидан бирида Республикамиз Президенти бу тадбирларни энг юқори даражада ўтказишни уқтириб, ёш ватандошлар юрагида бу учрашув таассуротлари бир умр муҳрланиб, улар шундай юрти борлигидан фахр туйғусига тўлиб кетсинлар, деган ниятлари таъкидланганди.

Пойтахтимиз Тошкентда, республикамиз вилоятлари, жумладан Самарқанд, Бухоро, Тошкент Давлат университети, «Совпластитал» қўшма корхонасида, чинни буюмлар заводи, Ўзбекистон Фанлар академиясида меҳмонларимизни қизиқарли учрашувлар кутяпти.

Мазкур тадбирнинг халқимиз, миллатимиз тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган давлат ва жамоат арбоби, атоқли ёзувчи Ш. Рашидов таваллудининг 75 йиллиги нишонланиши арафасида ўтказилишида ҳам рамзий маъно бор. Ватандошларимиз бундай авлод-аждодлари руҳи олдидаги ўз фарзандлик бурчларини адо этиб, озодлик, эркинлик истиқлол йўлини танлаган она-Ватан замини гуллаб-яшнашига ҳиссаларини қўшишларига шубҳа йўқ.

Суҳбатдош: Умида ФАЙЗИЕВА.

ЗАФАРОБОД: КУНИГА 5 ФОИЗДАН

Собиржон АБДУСАТТОРОВ, район ҳокими

Жиззах вилоятининг Октябрь райони Зафаробод деб қайта номланди. Чўл зонасида ташкил топган район ҳозирги вақтда обод, кўркам масканга айланган. Зафарободликлар бугунги кунда исми-жисмига монанд зафар қучиш шарафига муяссар бўлмоқдалар: улар вилоятда пахта йиғим-теримида биринчи ўринда бормоқдалар! Азаматларнинг ниятлари —Шароф Рашидов туғилган куннинг 75 йиллиги нишонланадиган кунгача йиллик режани бажаришдир.

Бугун қайси даврага қўшилманг, суҳбат мавзуи пахтага бориб тақаладн. Бу — табиий ҳол.

Районимиз далаларида ўзгача бир завқ, шижоат. Деҳқонларимиз йил бўйи қилган машаққатли меҳнатлари эвазига етиштирилган пахтани тезроқ йиғиб-териб олиш, давлатга 31 ярим минг тонна пахта сотиш учун барча имкониятларини ишга солмоқдалар. Бутун техника воситалари, ишчи кучлари теримга сафарбар этилган. Ишни уюшқоқлик билан ташкил қилганлигимиз, райондаги барча жамоат ташкилотлари билан ҳамкору-ҳамжиҳат бўлиб иш юритаётганимиз, пахта терими қатнашчиларига қулай шароитлар яратиб берганимиз ўз самарасини кўрсатмоқда. Бир неча кундирки, районда йиллик режанинг 5—5,5 фоизидан зиёд пахта тайёрланмоқда.

Район яқин йиллар ичида бу йилгидек уюшқоқликни, сафарбарликни, қолаверса, тадбиркорликни кўрмаган эди. Чўл зонасида ишчи кучи кам, экин майдони ҳар бир ишловчига 10—12 гектардан тўғри келади. Шундай бир шароитда 5 фоиздан ошириб пахта тайёрлашнинг ўзи бўлмайди. Бундан ташқари районимиз экин майдонлари тоғга яқин жойлашганидан намлик бошқа районларга қараганда юқорироқ. Шу боис қўшни районлар пахта теримини кундуз соат 10—11ларда бошлаб юборганда ҳам биз тушликкача, яъни кун қизигунича ишга кириша олмаймиз.

Ҳар қандай шароитда ҳам тадбиркорлик, изланувчанлик бўлса иш юришади. Районимиз механизаторлари бу йил 316 та пахта терим машинасини мавсумга пухта ҳозирлашган эди. Район ҳокимлиги томонидан тузилган махсус комиссиялар пахта терими бошлангунча барча хўжаликлардаги техника воситаларининг созлигини қайта-қайта текшириб кўришди. Машинасини сифатли созлаган механизаторлар моддий рағбатлантирилди, амалий ёрдам берилди.

Вақтида қурилган чоралар бугун терим қизиган пайтда ўз самарасини кўрсатмоқда. Район бўйича ҳар бир машина билан кунига 4—5 тоннадан пахта терилмоқда. С. Раҳимов номли давлат хўжалигидан Олим Султонов, Охунбоев номли давлат хўжалигидан Абдуназар Фармонов, Ф. Хўжаев номли давлат хўжалигидан Исмоил Раимқулов каби техника жиловкорларининг шу кунгача уйган хирмонлари 100—150 тоннадан ошди.

Районда «Пахта — бизники, сизники—ҳаммамизники» шиори каттаю-кичикнинг қалбидан ўрин олган. Шу боис савдо ходими ҳам, транспортчи ҳам, тиббиёт ходимлари ҳам ўзларини пахтакорларимизнинг яқин кўмакчиси деб билмоқдалар. Баҳорги ёғингарчилик ва дўлдан кўрган зараримиз 100 миллион сўм атрофида эди, Ҳ. Олимжон номли, Ф. Хўжаев номли, Тимирязев номли давлат хўжаликларида чигит ва бошқа экинларни 3—4 марталаб бузиб экишга тўғри келди.

Тадбиркор инсон ҳар қандай қийинчиликларни енгишга куч топа олади. Фақат ишни тўғри ташкил қилиш, одамларни маънавий жиҳатдан руҳлантириш нималарга қодирлигини Зафарободликлар амалда исботлаб беришди.

Илгарилари районга келган киши ажабланарди. Кўпчилик одамларимиз эскича яшашга кўникиб қолгандек, кўринарди. Улар рўзғорга керакли нарсалар учун Пахтакор, Жиззах шаҳарларига югуришарди. Уловидан тушови қиммат, дегандек, транспорт нархи ошиб кетган шароитда бозор йўқлиги жабрини, албатта, халқ тортарди. Бу камчиликни тугатиш учун маҳалла фаоллари, хўжалик ва ташкилотлар раҳбарлари билан фикрлашдик. Халқ ҳам қараб турмаган йўқ. Натижада 4 юз ҳашар йўли билан бозорни қуриб битказдик.

Одамларнинг ўз турмушларидан қониқиб яшашлари учун нима керак? Бу саволни фақат кундалик эҳтиёжлар учун зарур моллар етишмаслиги билан изоҳламаслик лозим.

Районимизнинг қиёфаси ўзига хос бўлиши учун биз нималар қилдик? Қўрғонларда қуриладиган социал, маданий-маиший биноларнинг бошқача кўринишга эга бўлиши ҳам муҳимдир. Шу боис ёпиқ бозор, автостанция, миллий чойхона, ҳаммом учун жой танлаганда уларни бир-бирига яқин жойлаштиришга, ўзига хос кўринишларга эга бўлишига, бир-бирига уйғунлашиб кетишига аҳамият берямиз.

(Давоми иккинчи бетда).

НЕЧАНЧИ ЎРИНДАСИЗ?

Республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 30 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — вилоятлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун— мавсум бошидан бери; тўртинчи устун — машинада мавсум бошидан бери терилган пахта

Бухоро	1,79	85,24	31,19
Фарғона	1,39	82,10	43,07
Андижон	1,32	80,62	53,65
Қашқадарё	2,48	80,17	77,45
Наманган	1,90	79,45	53,90
Хоразм	1,61	70,25	24,20
Сурхондарё	1,64	68,77	55,83
Тошкент	2,43	66,27	58,01
Навоий	2,5[illegible]	63,46	41,69
Қорақалпоғистон Республикаси	1,64	62,46	47,20
Сирдарё	3,14	58,11	57,14
Жиззах	3,31	51,77	58,62
Самарқанд	2,,33	46,08	29,91
Республика бўйича	2,09	70.00	52,14
1991 йилдагиси	0,69	100,34	101,71

ОБУНА МУДДАТИ— 20 НОЯБРГАЧА

● Сизлардан тушган кўпдан-кўп таклифларга биноан редакция Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги олдига қўйган обуна муддатини узайтириш масаласи ижобий ҳал этилди.

Жумҳурият матбуот тарқатиш марказидан хабар қилишларича, «Ўзбекистон овози» ва республикамизда чиқадиган газета ва журналларга, шунингдек, МДҲ бўйича чиқадиган нашрларга ҳам 1993 йил учун обунани 1992 йил 20 ноябргача расмийлаштиришингиз мумкин.

Эслатиб ўтамиз «Ўзбекистон овози»га обуна баҳоси: 1 йилга — 384 сўм, 6 ойга — 192 сўм, уч ойга 96 сўм.

Нашр кўрсаткичи (индекс) — 64583.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг бир йиллигига

● Тошкент. 1991 йил 1 ноябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг таъсис қурултойида.

Суратлар В. Молгачев бисотидан олинди.

БИРИНЧИ ҚАДАМИДАЁҚ ЯХШИ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛМОҚДА

Қайси бир партиянинг қилаётган ишлари халқнинг орзу—умидлари билан чамбарчас боғланган бўлса, ўша партиянинг умри узоқ бўлади, обрўси ошиб бораверади. Ана шундай яхши ишлар Ўзбекистон ХДП томонидан олиб борилмоқда. «Наврўз» байрами арафасида партия аъзоларининг ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар билан биргаликда кўпгина районларга чиқишлари, хайрия ишларида фаол иштирок этишлари фуқароларнинг кўнглига ёруғлик киритди.

Шу йилнинг 19 май кунида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида элга танилган бир гуруҳ адибларнинг партия раҳбарлари билан ўтказилган учрашуви чоғида қатнашчилар томонидан Ўзбекистон ХДП билан адибларнинг ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаш кераклиги ҳақида таклиф ҳамда ёш адибларни уй-жой билан таъминлаш, янги яратилган асарларни нашр этиш ва алоҳида қобилиятли ёшларни олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилиш муаммоларини республика Президенти И. А. Каримовга етказишларини партия раҳбариятидан илтимос қилинган эди.

Буни қарангки, тез орада ҳамма таклиф ва илтимосларимиз рўёбга чиқди.

Халқимиз — дардманд халқ. Унга дардманд одамлар керак. Ўзбекистон ХДПга айнан шундай одамлар аъзо бўлмоқда. Бошқа партияларда шундай амалий ишлар бўлмаяпти.

Ҳозирги замонда партиялар кўпайиб кетди. Менинг истагим шундан иборатки, улар бир-бирларига қарши бўлмасдан бир ёқадан бош чиқаришса, ўзларини халқ фарзандлари деб билсалар. Ғоя берувчи зиёлилар, олимларга амалий ёрдам берсалар.

Ўзбекистон ХДПнинг биринчи қадамларидаёқ яхши ўзгаришлар бўлмоқда.

Ҳозирги оғир замонда «юкни» кўтаришда Ўзбекистон ХДПга омад тилайман.

Ойдин ҲОЖИЕВА,
«Гулхан» журналининг бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоираси.

«ЁШЛИК»ДА—ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ

Олий ўқув юртларида ишлаётган ва таҳсил олаётган, Ўзбекистон ХДПга аъзо бўлиш учун ариза берган кишиларни анча изланишлардан кейин ҳудудий тармоқ ташкилотларига бирлаштиришга қарор қилдик. Бундай ташкилот Собир Раҳимов райони партия кенгаши қошида халқ таълими тизимидаги 264 нафар партия аъзосини бирлаштирди. Ҳозирги кунда бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Шу кунларда Талабалар шаҳарчасдаги олий ўқув юртлари ҳудудида ташкилий ишлар якунига етмоқда. Район кенгаши қошида олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабаларидан иборат ҳудудий тармоқ партия ташкилоти тузиш иши ниҳоясига етмоқда. Ариза бериб, ўз тақдирларини Халқ демократик партиясининг олижаноб мақсадларини, Президент ва ҳукуматимиз олиб бораётган халқчил сиёсатни ҳаётга татбиқ этишни астойдил ният қилган кишилар сони кун сайин ўсиб бормоқда. Фурсатдан фойдаланиб, мен республикамиз равнақига ўз муносиб ҳиссаларини қўшиб келаётган кўп сонли партия аъзоларимизни партиянинг бир йиллиги билан табриклайман. Миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлашдек масъулиятли вазифани бажаришда ҳормасликни тилайман!

Абдужамил СОДИҚОВ,
доцент.

● *Янги китоблар*

«СИЁСИЙ ПАРТИЯ: ЮКСАЛИШ МУАММОЛАРИ»

«Ўзбекистон» нашриёти фалсафа фанлари доктори А. Жалоловнинг ана шундай номли китобчасини босмадан чиқарди. Унда республикамиздаги етакчи сиёсий куч — Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг шаклланиши, фаолияти, истиқболи, унинг мафкураси, ҳозирги мураккаб шароитда ҳокимият идоралари билан ўзаро муносабатлари ҳақида гап боради.

Тўплам тарзидаги ушбу рисола муаллифнинг «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарининг 1992 йил май-июнь ойларидаги сонларида «Мафкура. партия, ҳокимият» рукни остида чоп этилган ва кенг жамоатчиликнинг эътиборини тортган мусоҳабалари асосида тузилган.

Рисола Ўзбекистон ХДП фаоллари, барча аъзоларига ҳамда ушбу партиянинг фаолияти, сиёсатшунослик ва ижтимоий фикр муаммолари билан қизиқувчиларга мўлжаллангандир.

Н. ОЛИМОВ.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

●

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ

●

ШАРОФ РАШИДОВ ФОНДИ

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, адиб Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб.

ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ САРОЙИДА

1992 йил 5 ноябрь, соат 18.00 да

КАТТА ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ ЎТКАЗИЛАДИ

Концертга севимли хонандалар ва сўз усталари:

Олмахон ҲАЙИТОВА,
Ғуломжон ЁҚУБОВ,
Ортиқ ОТАЖОНОВ,
Аҳмаджон ШУКУРОВ,
Ғиёс БОЙТОЕВ,
Охунжон МАДАЛИЕВ,
Маҳмуджон АЗИМОВ,
Авазбек МАҲМУДОВ,
Насиба АБДУЛЛАЕВА,
Муҳриддин ХОЛИҚОВ,
Тошпўлат МАТҚАРИМОВ,
Ботир МУҲАММАДХУЖАЕВ
Обид, Собит АСОМОВЛАР
таклиф этилади.

Хайрия концерти ойнаи жаҳон орқали намойиш этилади.

Хайрия концертига ҳомийлар танланяпти.

Концертга қатнашиб, Шароф Рашидов фондига ҳисса қўшишни истаган ташкилотлар, корхоналар, биржалар, фирмалар ўз таклифлари ҳақида олдиндан хабар беришларини сўраймиз.

Телефонлар: 33-65-45; 33-20-36; 32-54-35.

Шу йил 28 октябрда ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА бўлиб ўтган навбатдаги савдода бир Америка доллари бошланғич баҳоси 360 сўм бўлиб қуйидаги натижаларни келтирди: савдо давомида бир АҚШ доллари учун 415 сўмлик чегара қайд этилди, сотув ҳажми эса 100 минг долларни ташкил этди. Валюта сотиб олиш учун олдиндан берилган буюртмалар ҳажми валюта сотиш буюртмаларидан анча кўп бўлди. Савдода 4 та банк қатнашди.

Маълумотлар учун телефонлар: 32-75-20, 56-79-00.

ЗАФАРОБОД: КУНИГА 5 ФОИЗДАН

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Аҳолининг бевосита кўмаги билан жойларда катта ишлар амалга оширилмоқда. Аҳоли яшайдиган пунктларимиз анча кўркамлашиб қолди. Жумладан, Зафаробод қўрғонида барча кўчаларга тунги ёритгичлар ўрнатилди. Маданият саройи, «Лола» универмаги, саноат корхоналари ва бошқа бинолар тунда ҳам чароғон бўлиб турибди. Ободонлаштириш борасидаги ишларимизга биз ҳеч қачон мавсумий нарса, деб қарамаймиз. Бошланган ишларни охиригача етказиш учун ҳамма бирдек жон куйдирмоқда.

Одамларга кечаю-кундуз тинмай меҳнат қил, дейиш ўринли эмас. Вақтида ишлаб, вақтида кўнгилли дам ҳам олиш керак. Бунинг учун эса маданий-маърифий ташкилотлар, спорт муассасалари, савдо тармоқлари ва бошқа соҳалар яхши фаолият кўрсатиши керак. Шу мақсадда Зафаробод қўрғонидаги ўйингоҳни қайта созлаб, катта теннис майдончаси ва бошқа ўйинлар ўтказиладиган жойлар ташкил қилдик. Сув ҳавзаси созланиб, ишга туширилди. Қаровсиз қолиб кетган болалар боғини қайта жиҳозлаб, кичкинтойлар ихтиёрига топширдик.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишбилармонлик бўлмаса кўзланган нарсаларни амалга ошириб бўлмайди. Мен юқорида тилга олиб ўтган объектлар қурилишини бошлаш ва битказиш осон бўлгани йўқ. Чунки район иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволда: кўрпани бошга тортсак оёқ, оёққа тортсак бош очилиб қоларди. Лекин маблағ етишмайди, деб халққа зарур нарсаларни қурмаслик инсофдан эмас. Халқ нақлида айтилганидек, кўпчилик бир муштдан ўрса ўлдиради, бир бурдадан берса тўйдиради. Биз ўз одамларимиздан мадад олишимиз керак бўлди.

Тома-тома кўл бўлар, томмай қолса чўл бўлар, деган нақлнинг нечоғлик ҳаётий эканлигини районимиз мисолида кўриш мумкин. Район ташкил топганига 20 йил тўлган ҳолда ҳалигача етиштирилган пилланинг фойдасини пахтакорликлар кўриб келишарди. Бу йил пиллачилик идорасини ташкил қилдик. У режадаги 24 тонна ўрнига 31 тоннадан зиёд пиллани қабул қилиб олди. Пиллачиликдан келадиган даромадимиз салмоқли бўлиб, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда муҳим роль ўйнамоқда.

Бундан ташқари кичик корхоналар, фермер хўжаликлари фаолиятини кучайтирдик, халқ истеъмоли молларини кўпайтиришга интилмоқдамиз. Келгусида ғишт заводи, қурилиш учун зарур буюмлар, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар фаолият кўрсата бошлайди. Темир йўл атрофида саноат зонаси юзага келтирилади. Хорижлик фирмалар билан корхоналар очиш борасида ҳам дастлабки қадамлар қўйилди.

Ҳозир вилоятимизда Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан ободонлаштириш ишки ойлиги ўтказилмоқда. Кўрик-танлов тарзидаги бу хайрли ишда районимиз меҳнаткашлари чин дилдан иштирок этмоқдалар. Районимизда ҳурматли Шароф Рашидовнинг қадами теккан жойлар кўп. Табаррук инсоннинг назари тушган жой обод бўлиши керак, деган мақсадда ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ишлаяпмиз.

Бир сўз билан айтганда Зафаробод районини исми-жисмига мос районга айлантириш ҳокимлик фаолиятининг бош йўналиши бўлиб қолаверади.



Жиззах вилоят Зафаробод туманидаги «Уч қаҳрамон» давлат хўжалигининг Қўчқор Ўришбоев бошлиқ йиғиқлаштирилган бригадаси далаларида пахтадан юқори ҳосил етиштирилди. 400 гектар майдонинг ҳар гектаридан 27,5 ўрнига 30 центнердан ҳосил йиғиб олиш учун кураш қизғин боряпти. 10 терим машинаси тинимсиз ишлатилмоқда. Ҳар машина билан 5—6 тонналаб пахта теряпти.

СУРАТЛАРДА: бригадир Қўчқор Ўришбоев ва пешқадам механизатор Тўғил Омонов. Пастда эса звено бошлиғи Бахтигул Еимова.

У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

● *Спорт*

ОМАДИНГНИ БЕРСИН, «СЎҒДИЁНА»!

● *Бугун Тошкентда Шароф Рашидовнинг порлоқ хотирасига бағишланган спорт мусобақаси бошланади*

Азим шаҳарнинг «Старт» ўйингоҳи байрамона безатилган. Байроқлар ҳилпирайди. «Ўзбекистон кубоги» — «Осиё» лигаси совринни учун кураш», деган сўзлар кўзга ташланади. Ҳақиқий инсон, давлат арбоби Шароф Рашидовнинг сиймоси кўрк бағишлаб турибди. Бу ерда Россия ва Қозоғистондан ташриф буюрган спорт жамоалари ўзига хос байрамда иштирок этиб, совриндор бўлиш учун куч синашишга шайланишган.

Бу йилги спорт мавсумида омад кулиб боққан «Сўғдиёна» регбичи қизларининг мухлислари давраси кенгайиб бораётганидан кўпчилик мамнун. «Сўғдиёна»га бундай обрў-эътибор осонликча келгани йўқ. Спортчи қизлар «Россия кубоги» учун очиқ мусобақада иштирок этиб, кўчма совринни Тошкентга олиб келдилар. Бу соврин қизларимиз учун бағоят қадрли эканини унинг нархи 10 минг доллар ҳисобида баҳоланишидан ҳам билса бўлади. Кейин «Сўғдиёна» сентябрь ойи охирларида Осиё лигаси МДҲ чемпионатида муддатдан илгари биринчиликни қўлга киритиб, кўпчиликни қувонтирди. Бугун бошланадиган «Осиё» лигаси кубоги учун курашнинг якунловчи тур ўйинлари олдидан ҳам «Сўғдиёна» мавқеининг баландлиги мухлисларда умидворлик уйғотмоқда.

— Ана шу қўлга киритилган ютуқлар қаторида биз учун энг қимматлиси «Ўзбекистон кубоги» бўлиб қолади, — дейди регбичи қизлар устози Олег Галкин. —Бойиси ўз майдонимизда мустақил Ўзбекистон совринни учун курашиб, спортчиларни ҳамиша қўллаб-қувватлаб келган, ҳаммамиз учун азиз Шароф Рашидовнинг порлоқ хотирасини ёдга олиш унутилмас таассурот қолдириши табиий. Зеро, соврин учун кураш қизғин ва муросасиз бўлиши кутилмоқда.

Тошкентга Новокузнецкнинг «Луч», Олмаота ва Толдиқўрғоннинг болалар ва ўсмирлар олимпиада ўринбосарлари мактаблари, Барнаулнинг «Коммунальник», Қозоғистон пойтахтининг «Ника» ҳамда танловдан ташқари қатнашадиган Тверь шаҳрининг «Инвестер» ва Москванинг «Словянка» жамоалари ўзаро куч синашадилар. Мусобақага пухта ҳозирлик кўрган «Сўғдиёна» қизларининг шашти баланд. Улар «Осиё» лигаси ва Ўзбекистон кубогини ҳам қўлдан чиқаришмоқчи эмаслар.

Майдонда регбичиларимиздан Элвира Бегилдина, Татьяна Баранова, Оксана Певзнер, Софья Кабанова, Регина Захарова, Лилия Мастел, Александра Зуева, Елена Певзнер, Елена Захарова, Наталя Вороненколардан ташкил топган жамоа мезбон сифатида астойдил ҳаракат қилиб, мухлисларни қувонтиришни кўзламоқда.

Регбичилар майдони кўп жиҳатдан футболни эслатади. Фақат яшил майдонга тортилган оқ чизиқлар бошқачароқ бўлади. Спортчилар майдоннинг қоқ ўртасидаги чизиқдан рақиблар дарвоза си томонга ҳужум уюштирадилар. Шуниси қизиққи, регбичи йигитлар ўйнашганда қандайдир қўполлик ғашга тегса, қизлар қовунсимон тўпни қўлма-қўл қилганларида ўзига хос нафосат юзага келади. Дарвозалар ҳам бошқача. Зарб билан тепилган футбол тўпи тегиб қайтадиган тўсин дарвоза устунининг ярмига олинган бўлади. Яъни регбичилар тўпни ана шу тўсиндан ошириш га ҳаракат қиладилар. Чаққон ва чапдаст жамоа бундай оширишларни ўрнига қўйса, ғалабани таъминлашга катта ҳисса қўшган бўлади.

«Сўғдиёна» жамоасининг таркиб топганига эндигина икки йил бўлди. Кўриниб турибдики, ютуқлар чакки эмас. Жамоани таркиб топтиришда хўжалик ҳисобидаги «Ҳамза» спорт-соғломлаштириш марказининг директори Владимир Кокарев ташаббус кўрсатган эди. Бу жамоага ҳозир техника фанлари доктори, профессор Шавкат Абдуллаев Президент бўлиб турган «Бассойл» «композит ЛТД» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси билан хўжалик ҳисобидаги илмий-ишлаб чиқариш «Фан» маркази ҳомийлик қилмоқда. Моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдам олиб турган «Сўғдиёна»нинг омади юришиб, мухлисларни қувонтиришга ҳаракат қилаётганининг боиси ҳам шунда. Ўйлаймизки, регбичи қизлар навбатдаги совринларни ҳам қўлга киритиб, ниятига етадилар.

Ҳайдар НОСИРОВ.

● **ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО ДАРТС ТУРНИРИ**

НАЙЗАЧАЛАР ОТИШ ЎЙИНИ

Дартс XVII асрда юзага келган. Инглиз камончилари ўз жанговарлик маҳоратини такомиллаштиришнинг ажойиб йўлини топишди. Одатий ўқни қисқартирган камончилар деворга осилиқ буқа калласи кўринишидаги ёғоч парчасига отиша бошлашди. Бу жўн мусобақа асримиз бошида чинакам спорт ўйинига айланди. Ўрта асрларда бу ўйин жаҳоннинг юздан кўпроқ мамлакатига ёйилди.

Бундай оммавийликнинг сири шундаки, дартс ўйини барча ёшдаги кишилар учун мос бўлиб, қисқа вақт ичида ўрганиб олиш мумкин. Дартс учун алоҳида бинонинг ҳожати йўқ. Ҳордиқ уйлари, мактаблар, корхоналарда, емакхоналар, хонадонингизда бемалол дартс ўйнашингиз мумкин.

«Тошкент-Спорт-Информ» фирмаси жумҳурият давлат спорт қўмитаси мададига таяниб, бу ўйинни Ўзбекистонда оммавийлаштириш ташаббускори бўлди. 1991 йили фирма дастлабки намунавий турнирларни ташкил этиб, дартсни республика оммавий ахборот воситаларида кенг ташвиқ қилди. Бугунги кунда дартс Тошкент, Фарғона, Олмалиқ, Қарши, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ривож топмоқда. 1992 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси дартс федерацияси тузилиб, ҳамкорликдаги «Тошинтерм» корхонаси бош директори Саид Султонов якдиллик билан унинг президенти қилиб сайланди.

30 октябрь, жума куни Тошкентдаги «Саломатлик» спорт комплексида дартс бўйича халқаро турнир бошланади. Турнир шу спорт турининг ўзимизда ёйилишига ҳисса қўшган Мирзо Султонов хотирасига бағишланмоқда. Ҳамкорликдаги Ўзбекистон—Хитой корхонасининг ташкилотчиси ва дастлабки бош директори марҳум Мирзо Султонов республикада янги ҳисобланган дартс истиқболини илғаган ташаббускорларга амалий ёрдам кўрсатган эди. Икки фирманинг биргаликдаги саъйи-ҳаракатлари билан халқаро турнирга тайёргарлик бошлаб юборилди. Ўзбекистондаги илк халқаро дартс турнирини М. Султонов хотирасига бағишлашга қарор қилинди.

А. БАФОЕВ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Педиатрия илмий текшириш институти жамоаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари

Марат Обидович ДАМИНОВнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади, ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Кимё институти жамоаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги

Малик НАБИЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент шифокорлар малакасини ошириш илмгоҳи ректорати, касаба уюшмаси ташкилоти ва педиатрия кафедраси жамоаси, 2-педиатрия кафедрасининг мудири, тиббиёт фанлари доктори А. Т. Султоновга онаси

Жўрахон СУЛТОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Фарғона Давлат филармонияси жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Зайлобиддин ЮСУПОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош уруғларига таъзия изҳор қилади, ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Архитектура-қурилиш институти ректорати ва «Тарих» таҳсилоҳи жамоаси доцент Т. Шамуротовга онаси

Умриниса аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигининг Маҳсулотларни тайёрлаш ва сифати бўйича Бош давлат инспекцияси ходимлари, инспекция бўлим бошлиғи М. Набиевга онаси

Инобат АБДУАЗИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг М. Т. Ўроэбоев номидаги Механика ва зилзилага бардошли иншоотлар институти жамоаси «Суюқлик ва газлар механикаси» йўналишининг илмий раҳбари, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, ЎЗФАнинг мухбир аъзоси, техника фанлари доктори, профессор

Жорулла Файзуллаевич ФАЙЗУЛЛАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

А. Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти жамоаси, касаба уюшмаси педагогика ва психология кафедрасининг мудири, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Абдулла Мухамедович МУХАМЕДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● «УМР НУРЛАРИ» (ШАРОФ РАШИДОВ ҲАҚИДА ЛАВҲАЛАР).
● ОМОН МАТЖОН ИЖОДХОНАСИДА
● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ.
● «БОЛА УҒРИЛАРИ» (СУД ОЧЕРКИ)
● НАМАНГАН: «КИОСКА ОРТИДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР». (Фельетон).

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тилшунослик институти залида бўлган давра суҳбатига уларни Шароф Рашидовга, унинг хотирасига бўлган чексиз меҳр-муҳаббат, ҳурмат ва беқиёс фахр етаклаб келди. Ҳа, улар ҳар қанча фахрлансалар арзийди. Уларга замондошларимиз ҳам, авлодлар ҳам ҳавас қилишади. Чунки, улар кўп йиллар давомида Шароф Рашидовдай бетакрор инсон ва раҳбарнинг бевосита қўл остида, у билан ҳамнафасликда, унинг раҳбарлигида ишлашган, мактабидан таълим олишган. Халқ уларни ҳурматлаб «Шароф Рашидовнинг сафдошлари», «Шароф Рашидов даврининг арбоблари», дейди. Уларнинг мароқли хотираларини эшитишни ким ҳам хоҳламайди дейсиз!! Шу боис Ўзбекистон Фанлар академиясининг ижтимоий-гуманитар фанлар бўлими уларни биринчилардан бўлиб ўз анжуманига таклиф этди.

Марҳамат, улар билан танишинг: адабиёт илмининг, миллий адабиётимизнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшган Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Иззат Султонов, узоқ йиллар республика Давлат режалаштириш қўмитасини бошқарган Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Саидкарим Зиёдуллаев, Ўзбекистон матбуотининг чинакам фидойиларидан бири, моҳир муҳаррир Зиёд Есенбоев, Маданият вазирлиги ва Ўзбекистон телеграф агентлигига бир неча йил раҳбарлик қилган Ғайниддин Нажимов, Наим Ғойибов, Ҳ. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институтининг директори, филология фанлари доктори Азиз Қаюмов, республика Фалсафа жамиятининг президенти, фалсафа фанлари доктори Саид Шермуҳамедов, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтининг директори Аҳмадали Асқаров, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг мухбир аъзоси Расулмат Ҳусанов, Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг директори Тўра Мирзаев, филология фанлари доктори Ҳафиз Абдусаматов.

ШАРОФ РАШИДОВ ВА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР

— Биз бугун элимизнинг асл фарзанди, имтимоий-сиёсий ҳаётимизда сўнмас из қолдирган, халқимиз бахт-саодати ва фаровонлиги йўлида тиниб-тинчимаган соф виждонли раҳбар, республика иқтисодий-маданий қудратини яратишга жуда катта ҳисса қўшган буюк давлат ва жамоат арбоби, моҳир адиб Шароф Рашидович Рашидовнинг қутлуғ 75 йиллик таваллудини нишонлаш учун йиғилганмиз, — деди мажлисни очаётиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти **Иброҳим ИСКАНДАРОВ.** — Афсуски, бу улуғ инсоннинг яхши кунларини ва табаррук ёшини ўзининг ҳаётлик пайтида нишонлашга муяссар бўлмадик. У навқирон ёшида жоҳил даврнинг қурбони бўлиб кетди. Лекин Шароф Рашидович фаолият кўрсатган йиллар қанчалик узоқлашмасин, у қолдирган кўп қиррали мерос, маънавий қадриятлар халқимиз ва авлодларимиз кунига фаол ярайди, уларни ҳамиша бирдай илҳомлантириб туради.

Халқимизда ҳар бир давр ўзига монанд сардорларни танлаб беради, деган нақл бор. Дарвоқе, Шароф ота республикамиз ўз бошидан қийин ҳолатни бошидан кечираётган, мураккаб ижтимоий-иқтисодий муаммолар тўпланиб қолган, аммо халқимизнинг келажакдан орзу-умидлари сусаймаган бир даврдэ юртимизга қарийб ўттиз беш йил раҳбарлик қилди.

Маънавий қадриятларни тиклашда, маданий ва тарихий меросимизни эъзозлашда, Шароф Рашидович кўрсатган ибрат бетакрор. Буюк алломаларнинг шон-шуҳрати тикланди. Республикада илм-фан илдам қадамлар билан ривож топди. Ўша йиллари Ўзбекистон йирик илмий анжуманлар муттасил ўтказиладиган марказга айланди. Биринчи котибнинг шахсан ташаббуси ва раҳбарлиги билан бир қатор янги замонавий институтлар ташкил этилди. Шу ўринда раҳматли раҳбаримизнинг ниҳоятда илмпарварлигини, устоз олимларимизнинг қадрдони бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтаман. Шароф ака янги кашфиёт ва ихтироларни эшитса, ўзида йўқ қувонарди. Муаллифларни табриклашга ошиқарди. Янги изланишларни албатта қўллаб-қувватларди. Илмий баҳсларга аралашиб, холис фикрини айтарди. Атоқли олимларимизнинг мактабларига ҳурмат билан ёндошар, эҳтиёж туғилса ҳеч иккиланмай ёрдам уюштирарди. Шогирди кўп академик ва профессорларни айрича ҳурмат қиларди. Илмий кадрлари кўп юрт — камолотли юрт, деган сўзларини эшитганман.

Кўпмиллатли республикамиз аҳолисининг тинч-тотув яшашини таъминлашда ҳам Шароф аканинг хизмати каттадир. Бунинг учун йирик амалий ва назарий анжуманлар ўтказилиб, халқлар байналмиллаллик руҳида тарбия қилинди. Бошқа минтақаларда ҳавас қилинаётган ҳозирги тинч ҳаётимиз ўша меҳнатларнинг ҳам меваси эмасми?!

Шароф Рашидович йирик давлат арбоби бўлиш билан бирга улкан ёзувчи эди. Унинг асарлари рус ва ўзбек тилларида беш жилдда нашр этилди, дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинди.

Биз, илм аҳли шундай тарихий шахс, буюк маърифатпарвар ва маданият арбобининг ҳаёти ва ижодини янада кенгроқ ўрганишимиз, тадқиқ этишимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

ОДАМ ЭККАН БОҒБОН

ИЗЗАТ СУЛТОНОВ: — «Ҳозирги совет Туркистони инқилобдан аввалги чоризм Туркистонидан ҳеч қандай фарқ этмайди».

«Бундан кейин ўзбек халқи буюк рус халқи қаноти остида ривож топади. Кимки буни истамаса, у менинг душманим. Аммо кимки ўзбек халқига қиттак зарар етказадиган бўлса, мен унинг ўттиз икки тишини сўгуриб оламан».

Бу икки жумланинг биринчиси Акмал Икромовга мансуб (Бу гап 1926 йилда Сталин қошида бўлган кенгашда айтилгани маълум), иккинчиси—эндигина республика раҳбарлигига келган Усмон Юсуповга тегишли ,бу гап зиёлилар билан учрашувда айтилган), Айтиш мумкинки, бу самимий иқрор пировардида Акмал Икромов ва Усмон Юсуповга қимматга тушди.

Шароф Рашидов бу каби сўзларни айтганмас. (Агар айтган бўлса, бу менга шахсан маълум эмас). Аммо худди у ўз иши ва ҳаёти билан ўзини ўзбек халқининг ўша икки содиқ фарзанди қаторига қўя олди. Унинг ҳам бошига етган нарса — Ўзбекистоннинг гуллаши учун жондан кечиб ишлаши бўлди. Бу осон эмас эди. Суҳбатлардан бирида Шароф Рашидов партия ҳодимининг ҳаёти ҳақида гапириб келиб, шундай деганди: «Партия ходимининг ўртача ёши —қирқ етти. Мамлакатимизда эса, ўртача одам ёши етмишдан ортди. Бу сиз, ёзувчилар учун «фикрлаш учун фактлар» эмасми?» Шароф Рашидовни иш, меҳнат вақтидан аввал ҳаётдан маҳрум этди ва ўзбек халқининг душманларини қувонтирди, унинг жасади устида иблисона тантана қилишларига имкон туғдирди.

Мен яқинда республикамизнинг кўзгуси, фахри бўлмиш Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида концерт томоша қилдим. Саройда, унинг ҳайбатига ва беқиёс гўзаллигига маҳлиё бўлиб, сайр этар эканман ҳар дақиқа ёнимда Шарофжон ҳамроҳдек бўлди. Шу жойда у машҳур Фидель Кастро билан бирга юриб, ўз халқининг ютуқлари билан фахрланганлигини ҳам эсладим. Бунақа фахрланиш учун раҳматлида «ҳужжатлар» ва «объектлар» сонсиз-саноқсиз эди. Битта Тошкент метроси нинг ўзи Шароф Рашидов даврининг ажойиб, баралла айтиш мумкинки, бетакрор маҳсули сифатида ҳар қанча фахр-ифтихорга арзирлик эмасми?!

Олтмишинчи-етмишинчи йилларда жонажон диёримизнинг бош шаҳри-хорижлик ва собиқ иттифоқдаги дўстларимиз учун ҳам ҳақиқий бадиий маданият масканига айланди. Осиё ва Африканинг буюк ёзувчилари Тошкентда йиғилишиб, сўз санъатининг долзарб муаммолари ҳусусида фикрлашиб олишар, тинчликни мустаҳкамлаш, ижодий алоқаларни янада ривожлантириш учун нималар қилиш кераклиги тўғрисида дам-бадам кенгашишарди. Ана шу даврлар шарофати туфайли ўзбек адабиёти кенг тарғиб қилинар, унинг энг яхши намуналарини чет тилларга таржима қилиш тўғрисида таклифлар бўларди. Айни вақтда жаҳон адабиётининг устозлари республикамиз ёзувчилари билан юзма-юз учрашишиб, ўз тажрибалари, изланишлари ҳақида сўйлаб беришарди. Шундай учрашувларнинг ташаббускори ва жонкуяри кўпинча Шароф Рашидовнинг ўзи бўларди. Шунинг учун ҳам миллий адабиётимизнинг асарлари дунё бўйлаб тарқалган вакиллари ундан беҳад миннатдордирлар. Ҳорижлик биродарларимиз ҳам раҳматли раҳбаримизни ҳали-ҳануз чуқур эҳтиром билан ёдга оладилар. Адабиётнинг, халқаро адабий алоқаларнинг мумтоз ташкилотчиси, жонкуяри тажрибаларини, анъаналарини қанча давом эттирсак, шунча ютамиз.

Шароф Рашидов вафот этган куни талантли ёзувчи Раҳмат Файзий «Суянган тоғимиз йиқилди» деб радиода нола қилган ва биз неча кунлар мобайнида бу сўзларни тилимизда, дилимизда такрор этган эдик. У кишининг дафн кунида узоқ райондан ўз пулига билет олиб, самолётда етиб келган менга нотаниш бир одам халққа, яъни азачига тўла Тошкент кўчаларида ҳайратда юрар экан, менга айтган эди: «Шароф ота боғбон бўлган экан, фақат кўчат эмас, одам эккан экан».

Халқлар дўстлиги саройида, зални тўлдириб ўтирган, асосан ёшлардан иборат беш минг томошабин қаторида ўтирар эканман, ўша гап эсимга тушди. Бу авлод—ўша, «Шароф ота» номли боғбон эккан кўчатларнинг янгидан-янги гуллаши. Бу боғ абадий обод.

Буюк инсоннинг вафоти биз учун сира кутилмаган ҳодиса бўлган эди: ўлим тўсатдан келди ва жуда ҳам катта бож талаб этди. Биз ўша кунлари қулоқларимизга ва кўзларимизга ишонмай юрдик. Ҳали ҳам ишониб етганимиз йўқ: Шарофжон ҳали ҳам биз билан ёнма-ён, жондош, қадамдош.

МАТБУОТИМИЗ ОТАХОНИ

ЗИЁД ЕСЕНБОЕВ: — Мен қарийб ярим аср мобайнида матбуот соҳасида ишлаб келганлигим, шу давр ичида у киши билан доимо мулоқотда бўлганлигим сабабли бугун юрагимдаги бор сўзларни очиқ айтишнинг мавриди келди, деб ўйлайман.

Тақдир менн Шароф ака билан 1939 йил бошида Самарқанд вилоятининг «Ленин йўли» газетида таништирган. Биз ёш йигитлар ўша пайтда кунни тунга, тунни кунга улаб ишлардик, ижод машаққатларини бирга тортардик, тонг отаргача редакцияда қолиб кетардик. Шароф ака масъул котиб сифатида жуда қаттиқ меҳнат қиларди, ҳам ўқиб, ҳам ишлаб чарчаш нималигини сира билмасди.

У киши 1947 йилнинг ноябрь ойида «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетининг масъул муҳаррири этиб тасдиқланди. Тинимсиз меҳнат, янгиликка ҳавас, ўткир ташкилотчилик қобилияти, ижодий ишда, изланишда ходимларга шахсий намуна кўрсатиш хислатлари Шароф Рашидовни миллий журналистикамизнинг ижодий лабораториясида ёрқин из қолдирган, халқчиллик, принципиаллик ва гражданлик матонати бўртиб турган, назарий ва публицистик маҳоратга эга бўлган заковатли ҳамда истеъдодли муҳаррир даражасига кўтарди. Унинг сиёсий етуклиги, маънавий поклиги, яхши ва сезгир, одамларга меҳрибон ўртоқлигига ҳамма тан берарди. Шароф ака «Қизил Ўзбекистон»га раҳбарлик қилган йиллари мен газетнинг масъул котиби бўлиб ишлардим. У киши билан ёнма-ён ишлаб узоқ вақт бирга бўлиб, газетчиликда бўладиган тонготар кечаларни биргаликда ўтказиб, биронта ножўя гап айтганини, ходимлар кўнглини оғритганини билмайман. Газетчиликнинг машаққатли ишларидан сира-сира чарчамасдик, истеъдодни ўткинчи нарсаларга сарфламаслик, покизалик, камтарлик, лабзи ҳалоллик меҳрибон муҳарриримизга хос олижаноб фазилатлар эди.

Талабчан муҳарриримиз газета саҳифаларида ички тўғён билан ёзилган публицистик мақола, очерклар бўлишини истарди. Бу мақолаларни босмахонага теришга беришдан олдин ўзи ўқиб чиқар ва зарурият туғилса албатта эринмай таҳрир қиларди, сатрларга бадиий маҳорат ила сайқал берарди, маъноли фикрлари билан ўқувчилар қалбига чўғ ташлашни истарди. Редакция ходимларини яхши мақолалар ёзишга ундар, бу мақолаларда сиёсий ва бадиий бўёқларнинг тиниқ, хулосаларнинг лўнда, тилнинг ширадор ва образли, факт ва мисолларнинг ишончли ҳамда қизиқарли бўлишини талаб қиларди.

Ўзбек журналистикасининг мўътабар қасри, дорилфунуни, улкан маҳорат ва ижод мактаби ҳисобланган «Қизил Ўзбекистон» газети жамоасининг урушдан кейинги йиллардаги ижодий фаолиятини уюштириш ва бошқаришда Шароф Рашидов кўрсатган ноёб истеъдод ва раҳбарлик санъатини алоҳида таъкидлаб ўтгим келади. Бу олижаноб, донишманд инсон биз учун шунчаки муҳаррир—раҳбар эмас, балки, самимий, дилкаш дўст ва меҳрибон ўртоқ ҳам эди. Оқилона маслаҳату ҳимматларидан, беминнат ёрдамларию ғамхўрлигидан, чеҳрасидаги ёқимли табассумидан баҳраманд бўлмаган матбуот ҳодимлари камдан-кам топилар эди.

Шароф Рашидов Ўзбекистон Олий Совети Президумининг Раиси ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган йиллари ҳам қимматли маслаҳатларини, кўмагини биздан аямади. Ишимизни доимо кузатиб борди. матбуотнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, янги матбуот иншоотлари қуриш, мутахассис кадрлар тайёрлаш масалаларига ҳамма вақт эътиборимизни жалб қилиб, амалий ёрдам бериб турди.

Шунинг учун ҳам биз, Ўзбекистон журналистлари туғма газетчи ва истеъдодли муҳаррир Шароф Рашидовни миллий матбуотимизнинг ҳақиқий дарғаси, ғамхўр мураббийси ва меҳрибон, табаррук отахони, деб баралла айта оламиз.

Саидкарим ЗИЁДУЛЛАЕВ: — Шароф Рашидов кенг қамровли ижодкор, меҳр-саҳоватли инсон, донишманд давлат арбоби эди. Мен бунга узоқ йиллар у киши билан бирга ишлаганимда кўп бор амин бўлганман. Ниҳоятда маданиятли раҳбарлиги билан ажралиб турарди. Қўл остидаги раҳбар кадрларнинг имкониятларини пухта биларди ва ҳисобга оларди. Шахсан мен у кишининг мажлисларда столни уриб, жаҳл билан сўзлаганини, кадрларга дўқ-пўписа қилганини кўрмаганман. Ҳаммани бирдай яқин олиб, самимий, «сиз»лаб гапирарди. Айниқса, эндигина масъулиятли лавозимларга қадам қўяётган ёшларга алоҳида эътибор берарди.

Шароф Рашидович бирор масалада қийналиб қолган раҳбарга бу сенинг вазифанга киради, мени нима қиласан аралаштириб, демасди. Қийналиб қолганда мурожаат қилсак, ҳеч иккиланмай ёрдам берарди. Масалан, Тошкентга беқиёс ҳусн бағишлаб турган Халқлар дўстлиги саройи «тарихи»ни олайлик. Саройни бунёд этиш учун 50 миллион сўм маблағ керак эди. Пулимиз йўқ, пулимиз кам, деган жавоб эшитдик Москвадан. Шароф Рашидов дарров СССР Министрлар Советининг Раиси А. Косигинга қўнғироқ қилди. Иттифоқ ҳукуматининг раисига учрашиб, табрик эшитганимда ўзимни қўярга жой тополмай қолганман.

Тошкент метроси ҳам бевосита у кишининг ташаббуси билан майдонга келган. У кишининг «Метрони ҳозир қурмасак, келажак авлод бизни кечирмайди, улар қийналишиб қолишади», деган гаплари ҳамон қулоғим тагида жаранглаб турибди. Мен шу ҳақда ўйлаганимда биринчи котибимизнинг нечоғлик халқпарвар бўлганлигига такрор-такрор қойил қоламан. Биз шукур, қилишимиз керак. Агар айни кунларда метрополитен ишлаб турмаганида қандай бўлар эди? Давр ташвишлари ҳасабларини чарчатган замондошларимиз хизматга улгуролмаган автобус, трамвай ва троллейбусларни аяб ўтиришармиди, ўртоқлар! Шундай экан, бу улуғ зот хотирасини ҳамиша улуғлашимиз, қадриятини баланд тутишимиз керак. Шароф Рашидович бизни деб , келажак авлодни деб, ўзини фидо қилган.

«ТЕАТРГА ТУШИБ ТУРИНГ»

Ғайниддин НАЖИМОВ: — Бугунги кунда вилоятларимиз марказларига кўрк бағишлаб турган барча маданият масканлари Шароф Рашидовнинг ташаббуси, ёрдами, даъвати туфайли бунёд этилган. Улар халқимизга маданият улашиб келяпти. Қадриятлар ҳақида ҳикоя қиляпти. Раҳматли орзу қилганидек, Ватанимизнинг, элимизнинг ўзига хос кўзгулари сифатида савлат тўкиб турибди.

Шароф ака билан учрашганларимизда, «Қалай, театрларга тушиб турибсизми, рассомларнинг устахоналаридан хабар оляпсизми?» деб сўрарди.

Биз у кишининг маданиятни нечоғлик пухта билишига қойил қолардик. Тошкентда улуғ рассом Николай Рерих асарлари кўргазмаси очилганида, томоша қилгани бирга бордик. Шунда Шароф ака буюк мусаввир ҳақида қарийб бир соат гапирди. Зални айланиб асарларга ўзи изоҳ берди. Ана сизга раҳбарнинг заковати, ана сизга халқ қайвонисининг маданияти парварлиги, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, даҳолиги!

Азиз ҚАЮМОВ: — Шароф ака билан 1949 йил август ойида, тинчлик тарафдорларининг Бутуниттифоқ конференциясида танишганман. Ўшанда ҳамма ерда «учинчи жаҳон уруши бошланиб кетмасмикин?» деган хавф қезиб юрарди. Конференциядан қайтгач, Шароф Рашидович газетада «Уруш чекинмоқда» деган мақола эълон қилди. Муаллиф унда тинчликни сақлаб қолиш учун бутун дунё халқлари бир бўлиши керак. деган ғояни илгари сурган эди. У кишининг илҳомбахш сатрлари элни ваҳимадан узоқлаштирди. Айни вақтда бошқа қаламкашларни шундай мавзуда изланишга чорлади. Ҳа, Шароф ака ана шундай илғор фикрли, ҳамиша олдинда юрадиган инсон, ижодкор эди. У киши республика Ёзувчилар уюшмасига раҳбар бўлиб келганида, бу ерда ишлар кескин жонланиб кетганини ҳам биламиз.

Мен яна бир фактни келтириб ўтмоқчиман. Ўша йиллари мактабларимизда ўқувчилар уч сменада ўқитиларди. Раҳматлининг ташаббуси билан ўқиш бир сменага ўтказилган. 13 минг болалар боғча-яслиси камлик қиларди. Шунда у киши биз, яъни Марказий Қўмитанинг фан ва мактаб бўлимида ишловчиларни чақириб, ҳар бир вазирлик, йирик корхона ўзининг боғча-яслисини қуриб олсин, ёрдам керак бўлса уюштиринглар, деган. Кўп ўтмай, республикамиздаги мактабгача тарбия муассасалари сони 44 мингтага етди.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг 525 йиллик тўйи Шароф Рашидович туфайли ҳар томонлама мукаммал ўтган эди. Миллий адабиётимизнинг нодир намуналари сақланаётган музей илгари вилоят ижроқўмининг биноси эди. Раҳматлининг шахсан ҳиммати билан бу маскан музейга берилганлиги факти ҳам Шароф Рашидовнинг буюклигидан далолатдир.

Наим ҒОЙИБОВ: — Севикли шоиримиз Эркин Воҳидов таъкидлаган гавҳарлар — адабиёт ва санъат кунлари Шароф Рашидов раҳбарлигида, кўмагида ўтиб, халқларни бир-бирига яқинлаштиришда, дўстликни мустаҳкамлашда, ижодий алоқаларни ривожлантиришда тарихий роль ўйнаганини ким ҳам унута олади?!

«БОБУРНИ БИЛАСИЗМИ?»

Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ: — Республикамиз кенг жамоатчилигига маълумки, узоқ йиллар давомида Мирзо Бобурга нисбатан адолатсизлик муносабати ҳукм сурган эди. Ўша йиллари Марказий Қўмитада ишлардим. Бир куни биз Жиззах вилоятига хизмат сафарига бордик. Шу пайтда Шароф Рашидов ҳам ўша ерда эдилар. Эрталабки нонушта пайтида суҳбат айланиб Бобурга кўчди. У киши куюниб, Бобурга бўлган салбий муносабатларни қораладилар ва менга савол бердилар:

— Сиз Бобур ижоди билан танишмисиз?

Мен у кишига «танишман» дедим.

— Қайси асарларини ўқигансиз?— дедилар.

Мен «Бобурнома»ни, шеърлар тўпламларини ўқиганлигимни айтдим. Шунда у киши: — Ҳақиқатан ҳам ўзингиз ўқиб чиққанмисиз? — деб қайта савол бердилар.

Шунда биринчи котибнинг умр йўлдоши Хурсаной опа кулиб суҳбатга аралашиб:

— Жуда қизиқ савол бердингизку, Саиджон ўзлари ўқиганлари учун ўқидим деяптилар-да, — дедилар.

Мен Шарқ шеъриятида, ўзбек мумтоз адабиёти тарихида Бобур лирикасининг салмоқли ўрни борлигини айтиб, улуғ шоир ҳақида ҳатто Жавоҳарлаъл Неру муҳаббат билан ёзганлигини, ижоди ва шахсига юқори баҳо берганлигини айтдим. У киши хурсанд бўлиб:

— Келинг, бўлмаса биргалашиб Бобурга бўлган адолатли муносабатни тиклайлик, бу борада мен сизга ёрдамчи бўлишга, мана Хурсаной опангиз олдида ваъда бераман, — деди.

Шу тариқа Навоий кўчасидаги шеърият мулкининг султони ҳайкали ўрнашган жойда шоирлар хиёбони ташкил этиш ғояси туғилган эди. Тез фурсатда бу ғоя ҳаётда гавдаланди. Шоирлар хиёбонида аллома аждодларимиз сиймолари сафида Мирзо Бобур ҳам ўзининг ўрнини эгаллаган эди. Шу-шу бўлди-ю, Мирзо Бобур ижодига ёндашишнинг ижобий йўналишига мустаҳкам замин яратилди.

Ўша йиллари Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан ҳукуматга Улуғбек номида мукофот таъсис этиш таклифи тушди. Марказий қўмитанинг Фан ва маданият бўлимида бўлажак Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича қарор лойиҳасини тайёрлаб, Шароф Рашидович ҳузурига олиб кирганимизда, у киши лойиҳа билан танишиб, бироз ўйланиб турди-да:

— Ука, Улуғбек Темурнинг набираси эканлигини, Темур эса ўзбек халқининг буюк фарзанди эканлигини бутун жаҳон билади. Бу мукофотни Беруний номи билан аташ мақсадга мувофиқ ва ҳаёт тақозосидир. Шунинг учун ҳам шу буюк ном билан мукофотни таъсис этиш ҳақида ҳужжат тайёрланг, — деб топшириқ берди...

Бу баён этилган кичик воқеалар Шароф отанинг халқимизнинг илм-маърифати ва маданияти равнақи йўлидаги ғамхўрлиги ҳамда ҳомийлигидан айрим лавҳалардир, холос.

Тўра МИРЗАЕВ: — 60-йилларнинг охирида Марказий матбуотда миллий республикаларда ўтмиш идеаллаштирилаётганлиги, Грузияда Тамарага, Ўзбекистонда Амир Темурга ошириб баҳо берилаётганлиги ҳақида Яковлевнинг мақоласи пайдо бўлди ва шу муносабат билан КПСС Марказий Қўмитаси 1969 йил 31 декабрда «Нашр этилаётган асарлар учун раҳбар ходимларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида» номли махфий қарор қабул қилди. Бу шоашувлар Ўзбекистонга ҳам етиб келди. Аммо Самарқандда Темурийлар даври санъатини ўрганишга бағишланган халқаро симпозиумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш муносабати билан улар бироз тингандай бўлди. Симпозиумдан кейин марказий матбуотда Новосельцев ва Абдураимовларнинг Темур, ўзимизда эса Р. Абдураҳмоновнинг Аҳмад Яссавий идеаллаштирилаётганлиги ҳақида мақолалари босилиб чиқди. Илмий-ижодий зиёлилар орасида асабий бир вазият юзага келди, бир-бирини чалиш бошланди. Шундай бир вазиятда Ўзбекистон илмий-ижодий зиёлилари ва фирқа фаолларининг йиғилиши чақирилди. Йиғилишга юрак ҳовучлаб бордик. Аммо йиғилишнинг руҳи бутунлай бошқача бўлди. Бу руҳни маърузачи Шароф Рашидов берган эди. Найзабозлар эса, ёзиб борган қоғозларини ғижимлаганча қола бердилар. Фаоллар йиғилишида ва унинг натижаларига бағишланган йиғинларда танқидлар шунчаки хўжакўрсинга бўлди. Тезда илмий ижодий зиёлилар орасида осойишта руҳ барқарор топди. Бунда Шароф Рашидов билан бирга Иброҳим Мўминовнинг хизматлари ниҳоятда каттадир.

1982 йилда Ленинградда «Алпомиш» достони менинг кириш мақолам ва изоҳларим билан нашр этилди. Институтнинг ўша пайтдаги директори М. Қўшжонов китобдан аввал Ш. Рашидовга, сўнгра фан ва мафкура билан шуғулланаётган раҳбарларга етказиш кераклигини айтди. Мен шундай қилдим. Орадан икки-уч кун ўтгач, биринчи котиб мени телефонда суриштириб қолибди. Аксига олиб ўша куни мен институтда бўлмаганман. Қидириб топишолмаган. Ш. Рашидов телефонда М. Қўшжонов билан ғаплашиб китоб учун менга миннатдорчилик билдириб қўйишни тайинлаган экан. Ана сизга жуда катта давлат ишлари билан банд бўлган буюк бир шахснинг оддий кишиларга, олимларга муносабатидан бир шингил! Шу воқеадан кейин бир неча кун давомида бирор соат ҳам жилмай ишхонада бўлдим. Қабулхона орқали мен китоб йўллаган раҳбар ўртоқлардан бирор киши табриклямади ҳам, раҳмат айтмади ҳам. Ана ўшанда Шароф Рашидовнинг бутун ҳаёт йўли, ҳар бир эзгу ҳаракати ўзига хос бир мактаб эканлигига чин дилдан қаноат ҳосил қилдим. Бу мактаб сабоқларини ўрганиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

● Давра иштирокчилари.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

Давра суҳбатида А. Асқаров, Р. Ҳусанов, Ҳ. Абдусаматов, адиб Ж. Шарипов, олима М. Аҳмедова ва бошқалар ҳам иштирок этиб, Шароф Рашидов ҳақидаги хотираларини ўртоқлашдилар, унинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ факт-ҳодисаларни сўзлаб бердилар. Улуғ инсон улашган яхшиликлар тўғрисида тўлқинланиб ҳикоя қилдилар.

Ҳа, халқимизнинг асл фарзанди, республикамиз ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида сўнмас из қолдирган, ана дилримизнинг равнақи, гуллаб яшнаши учун жонини ҳам аямаган тарихий шахс ва арбоб Шароф Рашидов барчага бирдай яхшилик улашиб кетди. Бу яхшилик фақат нур билан йўғрилган. Бу яхшилик олтиндан қиммат. Бу яхшилик қадриятларнинг гултожи бўлиб йиллар оша, асрлар оша яшаяжак. Шароф Рашидовнинг ўзи ҳам беқиёс қадриятдир. Уни асраб-авайлашимиз, гард юқтирмай келажак авлодларга етказишимиз керак!

Саҳифани ижтимоий ҳаёт редакциясининг муҳаррири Юсуф БЕРДИЕВ тайёрлади.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 2 XI

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ау амаки шаҳарда». Мультфильм.
18.30 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Ишбилармон кишилар ҳузурида».
19.40 Ўзбекистон пойтахти касаба уюшмалари мукофоти совриндорларининг концерти.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Товфиқ ал-Ҳаким. «Изҳор». Теленовелла.
21.40 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.10 «Ошиқ Ғариб». Бадиий фильм.
23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Ассалому алайкум».
19.30 Болалар учун. «Совға».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
20.25 «Билиб қўйган яхши».
20.40 «Йўлингиз бехатар бўлсин».
21.10 Шаҳар соғлиқни сақлаш хизмати фаолиятидан.
21.55 «Лаҳза». Хабарлар.
22.05 «Алп йигитнинг уйланиши». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 «Якунлар».
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.05 Футбол шарҳи.
10.35 «Кекса устанинг эртаклари». Мультфильм.
10.50 «Кичкина Света ва бошқалар».
11.30 «Турмуш ижир-чижирлари». Бадиий телефильм. 6-серия.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
13.30 «Мистер Икс». Телевизион бадиий фильм.
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 Ишбилармон кишилар хабарномаси.
15.40 «Ён дафтар».
15.45 П. Донохоу чалади (фортепиано).
16.15 «Уолт Дисней таништиради...».
17.05 «Кичкина Света ва бошқалар».
17.50 Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «НЭП».
18.55 «Иқболи кулганда».
19.35 Футбол шарҳи.
20.05 «Крамаров Крамаров ҳақида».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Спорт оиласи».
21.40 «Турмуш ижир-чижирлари». Бадиий телефильм премьераси. 6-серия.
«Янги студия» таништиради
22.10 «Матбуот клуби».
00.35 «Оба-На». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
01.15 В. Третьяков раҳбарлигидаги Давлат камер оркестри чалади.
02.15 «Джазмен». Телевизион бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Телевизион текширув бюроси. «Коррупция».
9.40 Параллеллар. «Қурия мусиқаси». Дирижёр Сен Квак.
9.55 «Агар сиз...»
10.25 Театр сафари. «Любимовка-92». Навқирон драматургия фестивали.
11.25 «Мен РТВни севаман».
11.55 Кундузги сеанс. «Кеча». Бадиий фильм.
13.25 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.30 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.40 «Бола тилидан...»
16.10 «Кузирхоним».
16.40 Янгиликлар.
16.55 Мульти-пульти. «Қаердасиз, дўстларим?», «Дуэль».
17.10 Трансросфир. «Аборигенлар — туб жойли демак».
17.55 Эълонлар.

*

18.00 — 21.15
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.15 Криминал хабарлар экрани.
21.25 «Спорт олами «Жиллетт» фирмаси нигоҳи билан».
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.25 Эълонлар.
22.30 Душанба куни детектив. «Судланувчи». Бадиий фильм.

Сешанба, 3 XI

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
7.25 Футбол. Ўйинчоқлардан дараклар.
7.35 «Қаҳрамон Дадаев». Фильм-концерт.
8.05 «Йўқолган хазина». Бадиий фильм.
9.35 Турк тили.
10.05 «Санъаткор ҳаётидан икки кун». Телефильм.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Узунқулоқ дўстим». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида».
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Спортлото».
19.25 «Фармон ва ижро».
19.55 Созандалар ҳақида ҳикоялар.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.15 «Соҳиллар». Бадиий фильм.
23.35 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун фильм. «Қувноқ камалак».
19.00 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.30 Камер оркестрининг концерти.
20.10 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
21.20 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.05 Футбол шарҳи.
10.35 «Кекса устанинг эртаклари». Мультфильм.
10.50 «Кичкина Света ва бошқалар».
11.30 «Турмуш ижир-чижирлари». Бадиий телефильм. 6-серия.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
13.30 «Мистер Икс». Телевизион бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 Ишбилармон кишилар хабарномаси.
15.40 «Ён дафтар».
15.45 П. Донохоу чалади (фортепиано).
16.15 «Уолт Дисней таништиради...»
17.05 «Бизнинг мусиқий клуб».
17.50 Мультфильм.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
19.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Миниатюра». Мусиқий кўрсатув.
20.00 «Мавзу».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Икки дуэль». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия («Лентелефильм»).
22.30 «Қора қути».
23.00 «Максима».
23.30 «Оддий Арктика». Телефильм.
23.45 «Гапиришса гапираверишсин». И. Корнелюк томошалари. Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Асил ҳолича».
8.45 Ишдан бўш пайтингизда. «Қушлар биз билан ёнма-ён».
10.00 «Ҳалфана».
10.30 «Сафсаталар».
11.00 «Бу ҳаммаси ва дудланган қуён гўшти». Мультфильм.
11.10 «Гап-гаштакларни қўмсаб».
11.40 «Репортёр».
11.55 Кундузги сеанс. «Радецки» операцияси». Бадиий -публицистик фильм.
13.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.55 Телебиржа.
16.25 Мульти-пульти. «Ширин сайёра».
16.35 «Бадабоки». Мактабгача ёшдаги болалар учун кўрсатув (Франция).
16.55 Янгиликлар.
17.10 «Смирновлар оиласи. Бундан буён қандай яшаш керак?». Телефильм (Австрия).
17.55 Эълонлар.

*

18.00 — 22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.30 «Асил ҳолича».
23.25 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
23.55 «Мусиқий имтиҳон». Сочида бўлиб ўтган ёш истеъдодлар танлови.

Чоршанба, 4 XI

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
7.25 «Қадрдонлар кўчаси», «Куй ва соз оҳанги». Телефильмлар.
8.05 «Тайга сири». Бадиий фильм.
9.25 Ўзбек тилини ўрганамиз.
10.00 «Бола бошидан...» Мактабгача тарбия масалалари.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Менинг филим бўл». Мультфильм.
18.25 «Чорраҳа».
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Шароф Рашидов». Ҳужжатли фильм премьераси.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида.
21.30 «Рақслар гулдастаси».
22.00 «Полвон ва қизиқчи». Бадиий фильм.
23.35 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...» Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Спринт».
19.40 «Шарқ лирикаси». Жомий.
20.05 «Қалб хотиралари».
20.55 «Олтин маъбуда». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм.
10.05 Александра Стрельченко куйлайди.
10.45 «Вилоятдан туриб қараганда. Россия кичик шаҳарларининг қайта тикланиши». Россошь (Воронеж).
11.05 «Етти оғайни». Мультфильм.
11.20 «Бизнинг мусиқий клуб».
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
13.30 «Сакс-Хорус» менинг оркестрим». Фильм-концерт.
13.55 «Олтин тўй». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Уолт Дисней таништиради...».
17.05 «Қизлар орасидаги сир».
17.50 «Матбуот-экспресс» рукнининг премьераси.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
18.55 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.40 «Око» студияси таништиради. «Юлдузининг шуъласи». Ҳужжатли фильм премьераси («Ватан» киностудияси).
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 «Икки дуэль». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
22.25 Футбол. УЕФА кубоги. 1/16 финал. «Торпедо» (Москва) — «Реал» (Испания). «Торпедо» стадионидан олиб кўрсатилади.
00.20 Янгиликлар.
00.55 Футбол. Европа кубоклари.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 Мульти-пульти. «Ватаним менинг».
9.50 Маза, таътиллар. «Москва — Кассиопея». Бадиий фильм.
11.10 Параллеллар. «Биз айбдормизми?».
11.25 «Ретро». Т. Миансарова.
11.55 Кундузги сеанс. «Мен сизга уруш эълон қиламан». Бадиий фильм.
13.20 Мульти-пульти. «Эзгуликдан нима фойда?».
13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.55 «Бизнес: янги номлар».
16.10 Трансросфир. «Узоқ Шарқ».
16.55 Янгиликлар.
17.10 «Смирновлар оиласи. Бундан буён қандай яшаш керак?». Телефильм.
17.55 Эълонлар.

*

18.00 — 22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 Эълонлар.
22.30 Спорт кўрсатуви.
22.35 Футбол. УЕФА кубоги. «Динамо» (Киев) — «Андерлехт» (Бельгия). Танаффус пайтида — Эълонлар.
00.05 Камера ўтишини тадқиқ этади. «Олтин туш».

Пайшанба, 5 XI

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
7.25 «Матлубанинг бахти». Телефильм.
8.00 «Еттидан ўн иккигача». Бадиий фильм.
9.10 Араб тили.
9.40 Болалар учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Ёзувчилар — болаларга». Раҳмат Азизхўжаев.
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Мерос». Мақом тарихидан. «Ушшоқ».
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Эл фарзанди». Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган тантанали кеча. Халқлар Дўстлиги саройидан ёзиб олинган.
22.30 «Икки дил достони». Бадиий фильм.
00.05 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
00.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Белокуриха». Телефильм.
18.40 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Суҳбатга чорлаймиз».
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Пульс». Хабарлар.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Кидди-Видди» рукнининг премьераси.
9.35 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.20 Футбол. Европа кубоклари.
11.10 Мультфильм.
11.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
13.30 «Кичик давранинг катта сири». Мультфильм.
13.45 «Олтин тўй». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Уолт Дисней таништиради...»
17.05 «Ёшлик». Усмирлар ўртасида бал рақслари бўйича очиқ чемпионат.
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.05 Г. Свиридов. «Кичик триптих».
19.15 «Мистер Икс». Телевизион бадиий фильм.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Технодром».
21.40 «Брэйн-ринг».
22.30 «Даврани кенгроқ олинг ёки кўп номаълумли томоша». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
01.05 Триатлон. Жаҳон чемпионати. Канададан кўрсатилади.
01.45 «Похол шляпа». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-серия.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Маза, таътиллар. «Эркинча тарбия». Бадиий фильм
9.35 «Плюс ўн бир» видеоканали.
10.50 Ҳужжатли панорама. «Биринчи шахсдан тортиб».
11.35 Танқорий фильмлар кинотеатри. «Оловдан ўтиб бўлмайди». Бадиий фильм.
13.05 «Итдай чарчаган». Мультфильм.

*

13.15 — 16.50
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
«Чисен» (корейс тилида).
«Камертон».
«Везнен мирас» (татар тилида).
«Дидар» (қозоқ тилида).
«Рангинкамон» (тожик тилида).
«Интерспорт».

*

16.50 Чегарасиз футбол.

*

17.45 — 18.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.20 Телеэкран премьераси. «Тўралар». Бадиий фильм.
20.20 «Маски-шоу».
20.50 «Бола тилидан...».
21.20 «Кулги денгизи-92».
22.00 Хабарлар.
22.25 Эълонлар.
22.30 «Мутлақо махфий».

*

23.25 — 01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

01.00 Тунги сеанс. «Жума кунлари қимор ўйини». Бадиий фильм.
02.30 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.

Жума, 6 XI

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
7.25 «Шермат Файзуллаев куйлайди». Фильм-концерт.
8.00 «Метичара—денгиз жониворн». Бадиий фильм.
9.20 «Оила».
10.00 Инглиз тили.
10.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Оқ қарқара». Мультфильм.
18.30 «Хусусийлаштириш: муаммо ва ечимлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Замин саховати».
19.55 «Аждодлар мероси — хазина». Абу Наср Фаробий.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида.
21.30 «Эл фарзанди». Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган кўрсатув.
22.20 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
23.05 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 «Бир кучук бўлган экан». Мультфильм.
18.15 «Байкем, Эжем жана биз».
18.30 «Ата журт». Телеканал.
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 «Ата журт» (давоми).
21.00 «Ала-Тоо». Қирғизистонда Туркия маданияти кунларига бағишланган махсус кўрсатув.
21.20 «Назар». (Эълонлар, билдирувлар).
21.25 «Ата журт» (давоми).

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм.
10.05 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
10.55 «Рамзеснинг найранглари». Мультфильм. 1—4-серия.
11.30 «Америка М. Таратута билан» рукнининг премьераси.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4 ва 5-серия.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Уолт Дисней таништиради...»
17.00 «Фаберже мавзуларига фантазиялар». Телефильм.
17.10 «Марказ».
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 «Ромка, Фомка ва Артос» Мультфильмлар. 1—3-фильмлар.
18.50 «Инсон ва қонун».
19.20 «Америка М. Таратута билан» рукнининг премьераси.
19.50 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Детективлар клуби»да. «КТВ-I» ҳамда «Франс интернасионал» канали таништиради. «Вайсақилар гапирмасдан туролмайди». Телевизион бадиий фильм премьераси. «Шахсий детектив Нестор Бурманинг саргузаштлари» сериалидан (Франция).
22.55 «Крешчендо». Мусиқий кўрсатув.
«ВИД» таништиради
23.10 «Сиёсий бюро».
23.40 «Музобоз».
01.00 «Авто-шоу».
01.15 «Мусиқий соат». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
02.15 Футбол бўйича Европа чемпионлари лигасида қуръа ташлаш. Швейцариядан кўрсатилади.
02.45 «Ильф ва Петров трамвайда боришарди». Телевизион бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 Мульти-пульти. «Булутларгача сакраб». Мультфильм.
9.05 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
10.05 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб».
10.20 Кипрас Мажейка. НАТОдан репортажлар.
10.50 «Сатирикон» студияси. «Уртоқ Райкинга — актёр ва инсонга».
12.00 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 96-серия.
12.50 Санъат майдони. «Рококо мавзуида вариациялар».
13.05 Санкт-Петербург Давлат «Классика» симфоник оркестри чалади.
13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.55 Телебиржа.
16.25 «Рост» студияси. «Тонлабиринт».
16.55 Янгиликлар.
17.10 «Смирновлар оиласи. Бундан буён қандай яшаш керак?». Телефильм.
17.55 Эълонлар.

*

18.00 — 19.10
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.10 Жума кунлари Уолт Дисней. «Еввойи Джек». Бадиий фильм. 1-серия.
20.00 «Итдай чарчаган». Мультфильм.

*

20.10 — 22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 Россия телевизион театри. «Ленин ҳақида ҳикоялар».
23.10 «Иванинг қайнги». Бадиий фильм.

Шанба, 7 XI

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Ошиқ бўёқчи ҳақида эртак». Бадиий фильм.
9.20 «Саломат бўлинг!».
9.50 «Қўнғироқча». Бухоро вилоят Қўғирчоқ театрининг спектакли.
10.20 «Бозор иқтисодиёти йўлида».
10.30 «Алифбо сабоқлари».
11.00 «Ҳужжатли экран». Кинокўрсатув.
11.50 «Қадрият».
12.20 Ўзбекистон Давлат телераднокомпанияси Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
13.00 «Буиёдкор».
13.15 III халқаро илмий-технологик конференция.

* * *

18.00 «Оҳ, маликам». Мультфильм.
18.10 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Юлдузнинг иқтиқболи».
19.50 Киноконцерт.
20.30 «Туркистон» ахборотн.
21.00 «Эл фарзанди». Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган юбилей кечаси. Жиззах шаҳридан ёзиб олинган.
22.00 «Ганга қизи». Бадиий фильм.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»

7.40, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
7.45 Эрталабки гимнастика.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спорт-имконият».
9.00 «Марафон—15» — кичкинтойларга. «Бамси». Кўп серияли мультфильм премьераси (Швеция).
9.25 «Бумеранг».
9.55 Экологик хроника.
10.05 Тиббиёт сиз учун.
10.45 «АБВГД—ЛТД» телесериали премьераси. 1-серия — «Бориб ол», 2-серия — «Пуллар чошгоҳда ғойиб бўлади».
11.35 Режиссёр А. Габрилович фильмлари. «Болалигимиз ўтган ҳовлилар». 1-фильм.
12.50 Киноҳақиқатми! «Буюк граждан». Бадиий фильм. 1-фильм («Ленфильм», 1937 й.).
14.50 «Матбуот-экспресс».
15.00 Янгиликлар.
15.25 «Татьяна Тарасова ва «Барча юлдузлар».
16.25 «Оломоннинг бошида». Телефильм премьераси. 1-фильм—«Мен—бу биз демак».
16.55 «Ҳайвонот оламида».
17.35 «Қизил квадрат».
18.15 «Дракулито — вампирча». Кўп серияли мультфильм премьераси (Франция).
18.40 «Соя ёки ҳаммаси, балки ўтиб кетар». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1 — 2-серия (Мосфильм).
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Технодром».
21.40 «Брэйн-ринг».
22.30 «Даврани кенгроқ олинг ёки кўп номаълумли томоша». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
01.05 Триатлон. Жаҳон чемпионати. Канададан кўрсатилади.
01.45 «Похол шляпа». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-серия.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Маза, таътиллар. «Эркинча тарбия». Бадиий фильм
9.35 «Плюс ўн бир» видеоканали.
10.50 Ҳужжатли панорама. «Биринчи шахсдан тортиб».
11.35 Танқорий фильмлар кинотеатри. «Оловдан ўтиб бўлмайди». Бадиий фильм.
13.05 «Итдай чарчаган». Мультфильм.

*

13.15 — 16.50
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
«Чисен» (корейс тилида).
«Камертон».
«Везнен мирас» (татар тилида).
«Дидар» (қозоқ тилида).
«Рангинкамон» (тожик тилида).
«Интерспорт».

*

16.50 Чегарасиз футбол.

*

17.45 — 18.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.20 Телеэкран премьераси. «Тўралар». Бадиий фильм.
20.20 «Маски-шоу».
20.50 «Бола тилидан...».
21.20 «Кулги денгизи-92».
22.00 Хабарлар.
22.25 Эълонлар.
22.30 «Мутлақо махфий».

*

23.25 — 01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

01.00 Тунги сеанс. «Жума кунлари қимор ўйини». Бадиий фильм.
02.30 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.

Якшанба, 8 XI

● ЎзТВ I

7.00 «Халқ амалий санъати». Кинопрограмма.

*

8.00 «Туркистон» ахборотн.
8.30 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Учувчининг парвози». Бадиий фильм.
9.55 Болалар учун. «Биргаликда куйлаймиз».
10.25 Спорт программаси: 1. «Шоҳруҳ» клуби. 2. «Футбол майдонларида».
11.35 «Хотира». Абдулла Қодирий.
12.15 Катталар учун мультфильмлар.
12.35 «Қандолатчилик фабрикаси — муддатидан илгари».
12.45 «Шарқ бозори». Маргилон халқ театри актёрлари ижросида.
13.20 Тижорат канали. «Сўғдиёна» халқ ҳизматида».

* * *

18.00 «Данила ва Нелила». «Пиён ҳақида афсона». Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун. «Чаман» гулдастаси».
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
19.40 А. П. Чехов. «Қийшиқ ойна». Теленовеллалар.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!» Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
21.45 «Марҳабо, талантлар!». Ўзбекистон Республикаси бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг телевизион фестивали. Сирдарё вилояти.
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

9.05—12.00 Қирғизистон телевидениесининг болалар студияси кўрсатади. Программада: «Хуш хабарлар»; «Бобок, сенин жомогун»; «Баластан»; «Ҳамма, ҳаммага хайрли кун»; «Ачик конул балдарбызы»; бадиий фильм, мультфильм.

* * *

18.05 «Қувноқ домино». Киноконцерт.
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 Э. Токтогулова. «Ак куу». Телеспектакль.
20.50 «Канизак Изаура». Кўп серияли бадиий телефильм. 3-серия (рус тилида).

● «ОРБИТА IV»

6.15, 8.30, 14.55, 21.50, 00.15 — Кўрсатувлар тартиби.
6.20 «Руҳни чиниқтириш».
7.20 «Спортлото» тиражи.
7.35 «Эски кўза». Мультфильм.
7.55 Янгиликлар.
8.35 «Олтин сочмалари». «Какку қуш тунлари ери». Сиктивкардан олиб кўрсатилади.
9.10 «Эрта саҳарлаб».
9.40 «Ҳозирча ҳаммаси жойида» рукнининг премьераси.
10.10 «Тонг юлдузи».
11.00 «АБВГД—ЛТД» телесериалининг премьераси. 3-серия — «Қўғирчоқ ўйини», 4-серия — «Икки кишилик канкан».
11.50 Режиссёр А. Габрилович фильмлари. «Болалигимиз ўтган ҳовлилар». 2-фильм.
12.45 «Волхонкадаги уй». Кўп серияли телефильм премьераси. 4-фильм.
13.15 «Воронеж-92» ёшларнинг Х фестивалига бағишланган телебал.
14.30 «Хотима ўрнида». «Маяковскийнинг қайтадан вужудга келиши».
15.00 Янгиликлар.
15.15 П. И. Чайковский романсларини ва дуэтларини И. Архипова ва Н. Дацко ижро этадилар.
15.45 «Оломоннинг бошида». Телефильм премьераси. 2-фильм — «Ҳокимият кучғайрати».
16.15 «Саёҳатчилар клуби».
17.15 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
17.55 «Уолт Дисней таништиради...»
18.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
19.00 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Муаллиф, муаллифни...». Бадиий фильм (АҚШ).
20.50 «Москва кино-хит-паради».
21.00 Футбол. Россия чемпионати. Финал. 2-тайм.
22.00 «Якунлар».
22.45 «Телелоция».
23.00 «Матадор».
24.00 Янгиликлар.
00.20 «Видеодром».
00.50 «Бечора Маша». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-серия.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Мульти-пульти. «Емғирдаги воқеа».
8.35 Ишдан бўш пайтингизда.
8.50 Маза, таътиллар. «Спас ва Нелянинг саргузаштлари». Бадиий фильм.
10.00 «Калит» программаси. «1812 йилнинг момақалдироғи».
10.30 «Кироллиндаги саргузашт». Қўғирчоқ мультфильм. 11-серия.

*

11.00 — 14.15
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
«Умид» (уйғур тилида).
«Дўстлик қанотларида».
«Ягона оилада».
«Заманда» (қозоқ тилида).
«Самарқанд» (тожик тилида).
«Ляпсус».
16.00 «Кремль кубоги».
16.15 «Йўқолган қуён ҳақида иш». Мультфильм.
16.25 Спорт кўрсатуви.
16.30 «Бадабоки». Мактабгача ёшдаги болалар учун кўрсатув (Франция).
16.50 «Чашмалар».
17.20 «Формула-1» классида автопойга бўйича жаҳон чемпионати. Австралиядан кўрсатилади.

*

18.30 — 22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.20 Голливуд классик фильмлари фестивали. «Фариштта ва ёвуз одам». Бадиий фильм.
24.00 Эс-Эн-Си тунги клуби.

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 30 октябрь сонидан олинди.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят муҳбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими— 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда—3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда —